

**ҚУРЬОН ТИЛОВАТИНИНГ ОВОЗ ВА ОҲАНГ
МАСАЛАСИДА УЛАМОЛАР ҶАРАШЛАРИ**

*Раҳматов Иқболжон Иззатулло ўғли,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиши ICESCOкафедраси таянч докторанти*

Аннотация. Ушбу мақолада Қуръон тиловатида мобайнида овоз ва оҳанг илмининг аҳамияти, долзарблиги, унга оид илмий жиҳатлар ҳақида уlamолар фикрлари ёритилади

Калит сўзлар. Қуръони карим, қироат, овоз, оҳанг, овоз тарбияси, овоз аппарати, овоз гигиенаси, оҳанг назарияси, нафас, вокал.

Қуръон қироатида “овоз ва оҳанг” масаласи катта аҳамиятга эга. Зеро, айнан мазкур жиҳатлар Қуръони Каримнинг таъсирчанлигини янада оширади, эшитувчиликнинг Қуръонга бўлган эътиборини янада жалб қиласи, Қуръондаги турли маъноларнинг ҳар бирини ўзига хос тарзда янада таъкидлаб кўрсатишга ҳизмат қиласи. Энг муҳими “оҳанг ва тараннум” савияси – қироат соҳибининг Қуръон тиловатида овоз билан зийнатлашга бўлган муҳаббат ва чанқоқлигини ҳам белгилаб беради. Чунки, Қуръонни ёд олиш ва Тажвид қоидалари асосида қироат қилиш қанчалик масъулият ва машаққат талаб қиласа, унинг оҳанг тароватини юзага чиқариш, ёқимли садолар билан жилолантириш ва тараннум зийнатлари илиа Унга зеб бериш ҳам шунчалик эътибор ва меҳнат талаб қиласи.

Доктор Камал Башарнинг “Илму асват” номли асари тўрт бобдан иборат. Биринчи бобида “Овоз илмлари” ҳақида умумий маълумот, иккинчи бобда “Араб овозлари”, учинчи бобда “Араб тили фантикаси” ҳақида, тўртинчи бобдда “тилшуносликда овоз илми ва унинг ўрни” каби маҳсус бўлимлардан иборат. Унда олимнинг “Фонетик тадқиқотлар миллий тилни тўғри ўрганишнинг енг яхши усувларидан биридир. Бу уни илгари суриш ва сақлаш усувларидан биридир. Талабалар, айниқса, дастлабки босқичларда, тилни талаффуз қилишда хатоликка йўл қўйиш ва уни тўғри бажариш усулидан четга чиқишига мойил. Бунинг сабаби шундаки, бу ўкувчилар турли минтақалардан келган ва турли хил ижтимоий муҳитларга тегишли. Уларнинг ҳар бири ўзининг маҳаллий шевасида ишлатадиган ўзига хос талаффуз одатларига ега”.¹

Достор Аҳмад Муҳаммад Салим аз-Завий “Холид ибн Аҳмат Роид илмул асват” рисоласида арабшунослик бу йўлда ИИ асрда ривожланди, бу илмларнинг ривожи Қур’они Карим тилига хизмат қилиш мотиви билан та’риф

¹Doktor Kamal Bashar. “Ilmu asvat” – 640 bet Dar g’orib lit tibati van nashr vat tavzi’Misr – Qohira 2000

ва таҳлил орқали фонетик мавзулар тилига хизмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштиришни ҳис қилиш еди. тилнинг товушларини яхши ўрганмасдан, уларни тўғри ижро етишни ўзлаштириб, уни оҳанг ва бузилишдан асрашга еришиб бўлмайди. Бу фонетик тадқиқотлар орасида Ал-Халил бин Аҳмад Ал-Фароҳидийнинг арабча товушларни ўрганиши ҳам бор, у фонетик тизимнинг аҳамиятини англаб етган ва “товушларни ўрганиш тилни ўрганиш учун зарурий муқаддима еканлигини тўлиқ англаган бу фаннинг соҳиби ва унинг илк кашишофи迪р. Ал-Халил ибн Аҳмад Ал-Фароҳидийнинг араб ҳарфларининг чиқиши йўлларини биринчи бўлиб аниқлаган ҳисобланиб, унинг ё‘л-ё‘риқлари билан Сибавайҳ ва бошқа араб олимлари ҳидоят қилганлар ва аъзоларни тавсифлашда умумлаштиришга мойил бўлганлар.²

Доктор Аҳмад Мухаммад Қадdur “Асолату илм ал-асват” овоз илмига бағишлиланган китоб Ал-Халил бин Аҳмад Ал-Фароҳидийнинг “Ал-айн” китобининг муқаддимасини ўзига хос тарзда шархлаган. Унда кириш, Араблар орасида овоз илмининг пайдо бўлиши, овозни шакллантириш масалалари, овозга оид атамалар ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган. Унда муаллиф “Фонетика фани араблар орасида замонавий сивилизация мұхитида вужудга келган ва бу фаннинг мақсади бошида амалий еди, чунки унинг алмашинуви ва маълумотлари араб грамматика, морфология, луғат ва бошқа адабий, танқидий ва риторик билимларнинг асоси бўлган. Замон тараққиёти бир томондан араб илмларида, иккинчи томондан еса Қуръон қироатларида тажвид илми пайдо бўлгунга қадар фонетик маълумотлардан фойдаланишни кучайтирди. Қуръон тиловатларига киритилган жиҳатлар ва бу илм соҳиблари тилшунос олимларнинг бу борадаги хуносаларини жиддий қузатиб бориш, илгари қўйилган асосларни сақлаб қолган ҳолда муаммоларни аниқлаб, бошқаларни ўзгартириш вазифасини қўйган”.³

Фаҳд бин Яҳё ал-Амморий “Зада қориу ал-Қуръан” асарида кўплаб тиловатга ва аzon айтишга доир масалалар келтирилади. Мисол учун мақомат ҳақида “Ўзига хос оҳанг бўлиб, асли форсий бўлиб, қўшиқчиликда қўлланган, кейин араблар ше’р ва қўшиқчиликда қўллашган, кейин еса Қур’он ва аzon чақиришда қўлланган”.

Қироатда товушларга тақлид қилиш ҳукми- агар у масхара қилмоқчи бўлса, бу ҳаромдир, чунки масхара қилиш ҳаром бўлиб, ғийбат тоифасига киради. Қасдан қилмаган бўлса, балки тасодифан содир бўлган бўлса, бу жоиздир. Ижрова тақлид қилиш жоиздир. Агар у шон-шухрат ва машҳурлик

²Doktor Ahmad Muhammad “Asolatu ilm al- asvat” Dar al-fikr. 128 bet Damashq 1998.

³Fahd bin Yahyo al-Ammoriy “Zada qoriu al-Qur’an” 2021 Makka. Saudia Arabiston. 106 b

учун сўров бўлса, унда бу жоиз емас.⁴ Шу ўринда бир қатор илмий мулоҳазалар юзага келада. Масалан тиловат услублари ҳақидда фикр юритилар екан Шом ва Миср тиловат ё‘налишлари оҳанги билан кэскин фарқ қилиши илмий исботланган ва уламолар томониддан турли баҳсларга сабаб бўлган. Икки томоннинг бу борада ўқараашларини илмий ахлил қилиш вақтида томонлар бошқа томоннинг тиловат услубини мисол келтириши кузатилади ва аксар ҳолларда бу вақтда олимлар томонидан мисол келтирилиш ортиқча мад; ҳарф сифатидаги камчилик; ҳаддан ортиқ мусиқий безак; тиловадаги оҳанг томонлама фарқларда баъзида бошқа томоннинг тиловатини ермак қилиш билан ўз фикрларини билдираётганларини гувоҳи бўламиз.

Профссор Мустафо Абдуллоҳ Иброҳим Тантавийнинг “Танмия ал-ва’й асовтий мадхул литаълим тилавати ал-Қуръан ал-Қарим” асарида Қуръон ижросининг овози, унинг тушунчалари, унсурлари ва унга нисбатан олимларнинг қизиқишлари ҳақида ҳама тажвид қоидаларида инсон овоз сифатларига бағишлиланган кенг тушинчалар мавжуд. Қуръон тиловати уламолари Қуръон тиловатида инсон овоз ижросини яхши қиласиган бир қанча унсурларга йўл-йўриқ кўрсатиб, агар ўқувчи уларга риоя қилса унинг овози истаганидай гўзал чиқишини таъкидлашади. Абу Амр Ал-Данининг фикрича Қуръоннинг яхши ижросини ва гўзал овоз баёнотини тушунтириб, шундай дейди: "Тажвид ва уни тарк етиш ўртасида жағнинг ҳаракатларига боғлиқ"лигини айтади.⁵

Абу Абдурраҳмон ибн Жамол ибн Иброҳим ал-Қарш “Зада ал-муқрин асна тилава ал-Китаб ал-мубин” асарида Қуръон тиловатидаги лаҳнларнинг турли кўринишлари ҳақида тажвид қоидалари мисолларида олим фикр юритади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб унда Қуръони каримнинг граматик жиҳатлари ҳам тажвид қоидалари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Али ибн Мұхаммад ибн Синан “Ал-Бурҳан фи маъна ат-тажвид ва ат-тағонни би ал-Қуръан” асари 1993 йил Мадина шаҳрида ёзилган ушбу асар сахих ҳадисларда учрайдиган тиловатлардаги гўзал овозда ўқиш ҳукми, унинг жоиз ва ножоизлиги, турли маросимларда, масжид имомлари билан намозда, Қуръон зиёфат ҳамда турли хил тадбирлардаги бидъат амаллар ҳақида фикр юритади.

Абдул Али ал-Масъул “Ал-Ийдоҳ фи илм ал-қироат” 2004-йил Марокашда-Важда шаҳрида ёзилган ушбу асарида Қуръон ўқиш тарифи, услублари, етти ва ўн қироатлар ҳақида турли тиловат услублари,

⁴Fahd bin Yahyo al-Ammoriy “Zada qoriu al-Qur’an” 2021 Makka. Saudia Arabistoni. 106 b

⁵ Profssor Mustafo Abdulloh Ibrohim Tantaviy. Tanmiya al-va’y as-sovtiy madxul lita’lim tilavati al-Qur’an al-Karim. Qirol Fahd milliy kutubxonasi Misr – 2015.

талабаларнинг бу борада юқори малакага еришишлари учун турли услублар келтирилади.

“Ақвал ас-сиқот фи ҳукм қироат ал-Қуръан би ал-мақомат” китоби Аҳмад бин Фатҳий ал-Буқайрий қаламига мансуб бўлиб унда мақомотлар таърифи, мақомотлар билан тиловат қилиш ҳукми, оҳанг билан ўқишнинг турли услублари, макрух ёки бидъат ҳолатлари ҳақида илмий далиллар келтирилади.

Шоз қироат турларининг асосчиларидан бири Ҳасан Басрий тиловат борасида айтади: “Қуръон амал қилиш учун нозил қилинган еди, одамлар унинг қироатини амал қилиб олдилар”.⁶

Охиригина пайтларда кенг тарқалган ва фиқҳдан тушунчаси бўлмаган қорилар орасида бу билан чалғиган ва кўпчилик буни еътибордан четда қолдирган бидъатлар орасида Қуръонни тарозига қараб ўқиш бидъати ҳам бор. Ва бу мусиқий ритмлар "вокал тарози" ёки "оҳанглар" деб аталади.

Абдулмуҳсин ибн Мухаммад ал-Қосим “Ат-таҳзир мин ат-такаллуф фи қироат ал-Қуръан ал-карим“ 2022 – йил Мадина шаҳрида ёзилган уш бу асарида қироат турларида учрайдиган турли хил такаллуфлар борасида ва Пайғамбар а.с, хулоғои рошидинлар, саҳобалар ва уламоларнинг тиловати үсуллари ҳақида турли манбалар келтирилади.

Али ибн Саид ал-Ғомид ал-Маккий “Ал-лаҳн фи қироат ал-Қуръан ал-карим” асари тиловатда оҳанг турлари, чегараси, суннатга боғлиқлиги, оҳангда муболаға бўлиши ҳақида жуда қизиқарли манбалар келтирилади. Асарнинг катта қисми ҳадислар орқали мисол келтирилади.

Абу Муҳаммад Тоҳир ас-самовийнинг 2021-йил “Ҳукм қироат ал-Қуръан ли ал-жунуб” асарида еркак ва аёлларнинг жунублик вақтида Қуръон тиловати ҳақида ат-Термизийнинг саҳих ҳаислар тўпламлари орқали далиллар келтирилади.

Шайх Бин Ҳанафийя ал-аОбидиннинг “Ҳукм қироат ал-Қуръан жамаат” асарида Қуръон тиловатининг жамоавий ўқиш, услублари, ундаги учрайдиган турли муаммолар ва ундаги нуқсонлар ҳақида кенг фикр юритилади. Овозни аниқ тинглаб таълим олинишига, унинг жиддий саналишига еътибор қаратилади.

⁶Muhammad Ibn al-Jazariy “Talbis iblis”.

Абдулазиз ибн Али ал-Ҳазбийнинг 2010 – йилда ёзилган "Лаҳн ал-қовл" асарида инсон овози билан боғлиқ турли хиллик, дуода, аzonда оҳанглардан фойдаланиш масалаларига қаратилади.

Имом Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ан-Набавий ан-маликий омонидан 2008 – йилда ёзилган "Рисала фи лаҳн ал-қурро" асарида күплаб лаҳн турларига ургу берилади. Мисол учун "...техник жиҳатдан оҳандан фойдаланиш оқибатида қорининг қироат пайтида грамматик, интонация ва ижро қоидаларини бузишига ёки томонларни аралаштириб юборишига, бу оҳанг талаффуз ма'носининг бузилишига олиб келиши мумкин".

Ториқ Муса Мұхаммад Насрнинг 2020 йилда ёзилган "Ал-Қуръан ал-карим ва лаҳн жалий инда ат-тилават" рисолада тиловат вақтидаги ҳарфларни хато айтиш масалаларига қаратилади.

Америкалиқ олимма Кристиан Нелсон ўзининг илмий ишларида Қуръон тиловатида гўзал оҳанглар яширинганини, мусиқий ритм борлигини, таҳлилларда диний соҳа вакилларининг мусиқий ибораларни ишлатишда аксарият ҳолларда тортинишларини фикр қиласи. Олимма Миср тиловат усталари билан биргаликда тадқиқот амалиётларини олиб борганлигини таъкидлайди.

Достор Али ибн Сулаймон ал-Абид "Ал-важиз фи улум ал-Қуръан ал-азиз" Дар ат-тадмурийя нашри 2010 - йил Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида чоп етилган ушбу асар 25 та бўлимдан иборат бўлиб, Қуръон нозил бўлиши ва сабаблари, Қуръон илмлари, тиловат одоблари, тиловат қилиш ҳамда уни ешишишниш фазли ҳақида юқори даражада ёзилгандир.

"Ал-фатҳ ар-раббоний фи ҳукм қироат ал-Қуръан би алҳан ал-агоний" асари Абу Аҳмад Носир бин Абдуллоҳ бин Аҳмад Абу Ғозалга тегишли бўлиб унда Қур‘он тиловати, гўзал овоз Аллоҳнинг неъмати еканлиги, мақомат, оҳанг ҳақида ва булар ҳақида бир неча олимларнинг фикрлари, Қуръон тиловатида овозни гўзаллаштириш ҳақида турли фикрлар жамланган асар ҳиссобланади. Мисол учун "Фалон қори... Абдо ал-Ҳамулий ё'лидан боради, фалон қори... мусиқа даҳоларини тинглайди, ўқиши ё'лини улардан олади. Қуръонни шундай куйлайдики, уларнинг баъзилари уд, гитара ёки пианино чалиб Қуръон ўқийдилар. Улар қўшиқчиларга ўхшаб, улардан ибрат оладилар, ўз услубларидан бир заррача ҳам оғишмайдилар, шунинг учун Раҳмоннинг сўзларини шайтоннинг сўзларига ўхшатадилар, қироатни тавозедан ўйин - кулгу, шодликка айлантирадилар.⁷

⁷Abu Ahmad Nosir bin Abdulloh bin Ahmad Abu G'ozal "Al-fath ar-rabboniy fi hukm qiroat al-Qur'an bi alhan al-ag'oniy"

“Бу даврда Қуръонни өзінші талаб қылғанлар ва уни мусиқий талқин қылғанлар ҳам бўлган” дейилади мазкур асарда. Яъни бунда тиловатни мусиқий белгилар ёрдамида тизимлаштириш, уни маълум бир тартибга солиш ҳақида гап боради.

“...фалон қори мактаби ва фалон қори мактабида қорилар сика мақоми билан ўқийди, иккинчиси сибо мақомида ўқийди, учинчиси еса ҳижоз билан ўқийди. Қорининг биринчи навбатда тиловатни қарор (овознинг қуий жарангидан) бошлаб, жавоб (юкори жаранг қисми) билан тугайдиган маълум бир мақомни ижро етиш ва унинг босқичларини босиб ўтишдир.

Қуръон қорининг асосий ғамхўрлиги барака олиш бўлди, аслида, фалон қори мактаби ва фалон қори мактаби қори сика билан ўқийди, иккинчиси сибо билан ўқийди, учинчиси еса ҳижоз билан ўқийди. Қорининг биринчи мақсади қарордан бошланиб, жавоб билан тугайдиган маълум бир мақомни ижро етиш ва унинг босқичларини босиб ўтишдир

Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Қуръон ўқиган мўмин ситрон дарахти мисолидир, унинг ёқимли ҳиди ва ёқимли таъми бор.

Ат-тибян фи адаб ҳамлат ал-Қуръан” Имом Абу Закарийя бин Шараф Ан-Нававий ад-Димашқий томонидан Қуръон тиловатининг фазилати ва унинг маъноси, ҳар бир Қуръон ўқувчиси ва Қуръон ўқитувчиси учун ёзилган қўлланмадир. Тиловатнинг одоблари, унинг хурмати, ўқитувчи ҳар бир ўқувчидан таълими учун пул олмаслиги яъни савоб учун, ажр ва ризо учун ўқитиши ҳақида мисоллар келтирилади. Қуръон тиловати вақтида кулиш, йиғлаш, ҳар хил ҳис туйғуларга берилишнинг чегаралари ҳақида турли мисоллар келтирилади.

“Ал-ихтирос фи ал-Қуръан ал-карим” доктор Ҳанан бинту Қосим ибн Мухаммад ал-Унзий томонидан ёзилган асарда Қуръон тиловати одоблари, тиловатда еҳтиёткор бўлиш ҳақида турли еслатмалар келтирилади.

“Масайл муҳтарот фи ат-тажвид ва ал-қироат” асарида китоб ғояси Ислом имомлари ўзларидан олдинги даврлардан бери ғамхўрлик қылған Қуръон ижроси тизимини сақлаб қолишга интилишдан келиб чиқади. Ушбу тизимни сақлаб қолиш ва уни хатолардан ҳимоя қилиш тажвид илмида таснифлашнинг енг муҳим мотивларидан бири еди. Ўқишини тақдим етиш ва қироатни тўғрилаш амалдаги суннат еканлиги ижро аҳли томонидан қабул қылған ва асрлар давомида санъат аҳли ўртасида назорат ва ишлашни талаб қиладиган муаммолар сақланиб қолган. Имомларимиз бу ишнинг аҳамияти ва жиддийлигини ерта ҳам, кеч ҳам ҳис қылғанлар ва бу ҳақида Абду ал-Ваҳҳоб

Куртубий айтган: "-Уни ўқиганларнинг кўплари ўз сўзларини тузатишга еътибор бермаганлар, мен яширин оҳангда жуда қўп нопокликларни кўрдим ва улар уни лойқалигидан филтрлашни еътиборсиз қолдирдилар, қўшимча равиша мен қисқача ёзмоқчиман мақолада мен оҳангнинг тилдаги маъноси ва унинг одатдаги ҳақиқатини еслатиб ўтдим. Ва тавозе билан мен одамларни қироатни яхшилашга ундан яхши қилишларини айтиб ўтаман".⁸

Фатҳ ал-Холининг "Қоваид ат-тартил ал-муяссар" асарида тажвид қоидалари ва Қуръонни тартил билан тиловат қилиш ҳақида бўлиб асарда "Тартил" сўзига шундай таъриф берилади: "Муқаддас Қуръони каримнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинганидек, диққат ва секинлик билан ўқиш ва тиловат қилиш, тажвид қоидаларига амал қилиб, унлилар ҳарфлар ва ундош ҳарфларни аниқлаштиришдир."

⁸Adnan bin Abdurohman al-Urdiy. Masail muxtarot fi at-tajvid va al-qiroat. BAA. 2017.